



### ПРЕЗИДЕНТ ҲИНДИСТОН БОШ ВАЗИРИГА ТАБРИК ЙЎЛЛАДИ

Қасим-Жўмарт Тўқаев Нарендра Модини Ҳиндистон Республикаси Бош вазири этиб қайта сайлангани билан табриклади.

Давлат раҳбари бундай юксак лавозимга қайта сайлангани Ҳиндистон халқининг Нарендра Модининг узоқни кўзлаб олиб бораётган сиёсати мустаҳкам ишончи ва қўллаб-қувватлашдан далолат эканини таъкидлади.

«Ишончим комилки, Ҳиндистон сизнинг оқилона раҳбарлигингиз остида иқтисодиёти жадал ривожланаётган давлатлардан бири сифатида янги ютуқларга эришади. Қозоғистон Ҳиндистон билан узоқ муддатли стратегик шериклики юксак қадрлайди. Икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик халқларимизнинг мустаҳкам дўстлиги, умумий қадриятлар ва яқин муносабатларга асосланади», дейлади телеграммада.

Қ. Тўқаев Нарендра Модига барча эзгу ишларида муваффақият, дўст Ҳиндистон халқига эса фаровонлик тилади.

Akorda.kz.

### ЧЕГАРАДАГИ ТИРБАНДЛИККА НИМА САБАБ?

ҚР Миллий хавфсизлик қўмитасининг Чегара хизмати Ўзбекистон Республикаси билан чегарадаги алоҳида назорат-ўтказиш пунктларида одамлар ва транспорт воситаларининг тўпланиши қайд этилганини маълум қилди.

Бу ҳолат «Жібек жолы» ўтказиш пунктининг туташ ҳудудида «Фиш кўприк» бекатида қурилиш ишлари ва йўл қопламасини кенгайтириш билан боғлиқ. Қозоғистоннинг «Тажен», «Атамекен» ва «Қазигурт» чегара пунктларида ҳам таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда, «Қапланбек» назорат-ўтказиш пункти ҳам шу сабабларга кўра ёпилган.

«Давлат чегараси орқали ўтадиган бошқа назорат-ўтказиш пунктлари меъёрий тартибда ишламоқда. Шу боис, сафарингизни олдиндан режалаб, тирбандлик мавжуд бўлмаган назорат-ўтказиш пунктлари орқали ўтишни сўраймиз», дейилади МХҚ матбуот хизмати хабарида.

### МАНЗИЛЛИ ИЖТИМОЙ ЁРДАМ: У КИМЛАРГА ВА ҚАНДАЙ ТАЙИНЛАНДИ?

Қозоғистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг маълумотларига кўра, жорий йилнинг уч ойида 58,8 минг оила (312 минг киши) манзилли ижтимоий ёрдам олди. Шундан қилиб, давлат томонидан қўллаб-қувватланган чора-тадбирлар туфайли жами 58 минг 445 оила қашшоқликдан чиқди.

Ўтган йил натижаларига кўра, Туркистон вилоятида 27 минг оила (23,7 фоиз) манзилли ижтимоий ёрдам олган. Иккинчи ўринни 12,7 минг оила билан Шимкент шаҳри (11,2 фоиз), кейинги ўринларни 9,5 минг оила билан Алматы (8,3 фоиз), Қизилўрда вилояти 9,4 минг оила (8,2 фоиз) эгаллади. Улитов, Атиров ва Шимолий Қозоғистон вилоятларида эса манзилли ижтимоий ёрдам олувчи оилалар сони кам.

Вазирлик маълумотларига кўра, манзилли ижтимоий ёрдам кўпроқ болаларга (65,4 фоиз), ишлаётган фуқароларга (15,1 фоиз), болалар, қариялар ва ногиронларга бириктирилган шахсларга (12,4 фоиз) берилди, қолган 7,1 фоизи эса фуқароларнинг бошқа тоифаларига тегишли.

Манзилли ижтимоий ёрдам куйидаги ҳолларда тайинланади:

- даромади энг паст яшаш минимумининг 70 фоиздан ошмайдиган фуқароларга ҳар чоракда ижтимоий ёрдам;
- кам таъминланган оилалардаги 1 ёшдан 6 ёшгача бўлган ҳар бир фарзанд учун 1,5 ОҲҚ миқдоридан ойлик қўшимча тўлов;
- иш билан таъминлаш, ўқитиш, ўз бизнесини очиш йўлида бўлган оилаларга грантлар ва шу каби ижтимоий ёрдам бериш.

24.kz.

### Обуна-2024

### “ЖАНУБИЙ ҚОЗОҒИСТОН” – ДОНО ДЎСТИНГИЗ, ҲАМКОРИНГИЗ!

Қадрли муштарий! 2024 йилнинг иккинчи ярим йиллигига даврий нашрларга обуна қизғин давом этмоқда.

Муштақиллик билан тенгдош миллат минбари ва овози, фахри саналиши “Жанубий Қозоғистон” газетаси омма ва давлат ўртасидаги олтин кўприк – доно маслаҳатгўй вазиқасини ҳалол ва вайдонан бажармоқда.

Ҳамиша шундай бўлиб қолади. Маънавий жиҳатдан юксалиб, баркамоллик сари интилишни истасангиз, вилоят янгиликларидан воқиф бўлмоқчи ихтиёр айлаб, оламшумул воқеалардан беҳабар қолмай десангиз, ҳеч иккиланмай суюкли «Жанубий Қозоғистон» рўзномасига обуна бўлинг.

Туркистон вилоятининг «Жанубий Қозоғистон» ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририятидаги рақобатбардош, изланувчан жамоа доим сизларнинг орзунгиздаги жиҳатларга эътибор қаратишга, маънавий хизмат кўрсатишга шай.

6 ойга обуна баҳоси: «Қазпошта» ҲЖ орқали – Туркистон вилояти бўйича – 3415,50 тенге; Шимкент шаҳри бўйича – 3095,15 тенге.

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 65466



2024 йилнинг иккинчи ярим йиллигига даврий нашрларга обуна қизғин давом этмоқда.

Муштақиллик билан тенгдош миллат минбари ва овози, фахри саналиши “Жанубий Қозоғистон” газетаси омма ва давлат ўртасидаги олтин кўприк – доно маслаҳатгўй вазиқасини ҳалол ва вайдонан бажармоқда.

Ҳамиша шундай бўлиб қолади. Маънавий жиҳатдан юксалиб, баркамоллик сари интилишни истасангиз, вилоят янгиликларидан воқиф бўлмоқчи ихтиёр айлаб, оламшумул воқеалардан беҳабар қолмай десангиз, ҳеч иккиланмай суюкли «Жанубий Қозоғистон» рўзномасига обуна бўлинг.

Туркистон вилоятининг «Жанубий Қозоғистон» ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририятидаги рақобатбардош, изланувчан жамоа доим сизларнинг орзунгиздаги жиҳатларга эътибор қаратишга, маънавий хизмат кўрсатишга шай.

6 ойга обуна баҳоси: «Қазпошта» ҲЖ орқали – Туркистон вилояти бўйича – 3415,50 тенге; Шимкент шаҳри бўйича – 3095,15 тенге.

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 65466

# Жанубий Қозоғистон

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2024 йил 13 июнь, пайшанба, №64 (3410).

## ҚОЗОҒИСТОНДА “АТЛЕТИКО МАДРИД” ФУТБОЛ АКАДЕМИЯСИ ОЧИЛАДИ

Давлат раҳбари “Атлетико Мадрид” футбол клуби президенти Энрике Сересо Торресни қабул қилди. Президентга мамлакатда “Атлетико Мадрид” футбол академиясини очиш лойиҳаси тақдим этилди.

Қасим-Жўмарт Тўқаев Испания клуби футбол оламида улкан обрўга эга эканлигини таъкидлаб, Энрике Сересо Торресга Қозоғистонда ушбу спорт турини ривожлантиришга қизиқиш билдиргани ва тажриба алмашгани учун миннатдорчилик билдирди.

Давлат раҳбарининг таъкидлашича, Қозоғистонда футболни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ҳозир мамлакатдаги спорт мактаблари ва футбол клубларида 40 мингга яқин бола “миллионлар ўйини” билан шугулланмоқда.

Шунингдек, инфратузилма яхшиланиб, янги ўйингоҳлар барпо этилмоқда.



Қ. Тўқаев давлат футболни ривожлантиришга қаратилган ушбу ташаббусни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга тайёр эканлигини, Энрике Сересо Торрес дунёнинг кўплаб мамлакатларида «Атлетико Мадрид» футбол академияси очилганини айтди. Академияда иқтидорли фут-

болчиларни тарбиялаш билан бирга, уларни жаҳон футбол лигаларига олиб чиқиш мақсадида илғор тажрибаларни амалиётга татбиқ этиш, мураббий ва устозларнинг малакасини оширишга эътибор қаратилмоқда.

“Атлетико Мадрид” футбол академияси Алматы вилояти Тал-

фар шаҳридаги «Akbulak» олимпия маркази негизда ташкил этилади.

Учрашув якунида Энрике Сересо Торрес Қ. Тўқаевга “Атлетико Мадрид” футболчилари дастхати туширилган футболкани совға қилди.

Akorda.kz.

## “Қамбарота” ГЭС учта давлат томонидан қурилади

### ҚОЗОҒИСТОН ҚАМБАРОТА ГИДРОЭЛЕКТР СТАНЦИЯСINI ҚУРИШ БЎЙИЧА ШАРТНОМА ИМЗОЛАДИ



## ҚОЗОҚ КУРАШИДАН “ТҮРКИСТАН БАРЫСЫ” АНИҚЛАНДИ

Саврон тумани, Чўрноқ қишлоғидаги “Саттар” спорт мажмуасида қозоқ кураши бўйича “Қазақстан барысы” республика турнирининг ўтқи салараш мусобақаси ўтди.

Миллий спортни ривожлантиришга йўналтирилган вилоят “Туркистан барысы” турнирининг очилиш маросимида вилоят жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси раҳбари Қанат Жўлдиқарев, Саврон тумани ҳокимининг ўринбосари Ербўл Жанғазиев сўзга чиқиб, полвонларга омад тилади.

Мусобақада шаҳар ва туман-

лардан 25 нафар полвон куч синашди. Елкаси ерга тегмаган туристонлик полвон – Бибарис Абдигани “Туркистан барысы” турнирининг голиби бўлди. Чордаралик Қайсар Шамшидинов иккинчи ўринни, савронлик Еркеғали Қуандик эса учинчи ўринни эгаллади.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

## ОНЛАЙН ҚҮРБОНЛИК САЙТИ ИШГА ТУШИРИЛДИ

Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси онлайн қурбонлик қилиш имконини берувчи qurban2024.kz сайти ишга туширилганини эълон қилди.

Сайтда белгиланган нархда: - Бир кўйининг нархи – 75 минг тенге; - Қорамолнинг нархи – 490 минг тенге.

Шунингдек, сайт орқали қурбонлик гўштини олиш учун сўров жўнатиш мумкин.

“Интернет орқали қурбонлик қилмоқчи бўлганлар молни танлаб, пулни Kaspi QR орқали ўтказишлари мумкин. Қўй ва эчкини

бир киши, қорамол ва туяни бир ёки етти киши бирга қурбонлик қилиши мумкин. Агар буюртмангиз муваффақиятли бажарилса, мобил телефонингизга SMS-хабар келади”, дейилади диний бошқарма хабарида.

Қурбонликдан сўнг унинг фото ва видео ҳисоботи мижоз томонидан кўрсатилган рақамга жўнатилади.

24.kz.

## ЯНГИ МАҚСАД, ЯНГИ РЕЖАЛАР

Қозоғистоннинг ўнта олий ўқув юрти талабалари иштирокида Сатбаев университети (Жамбил вилояти)да Геология фани бўйича биринчи Республика универсиадаси ўтмоқда.



Танлов дастури Сатбаев университетида университет ходимларининг ўзига хос услуллардан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқилган. Ташкилотчилар томонидан қизиқарли, бой маданий-кўнгилочар дастур ҳам тайёрланди.

Универсиада Жамбил вилоятидаги энг сўлим жойлардан бири – Кичик Қоратов тизмаси этагида жойлашган Сатбаев университети полигонда ўтмоқда. Бу жойда Ер шаклланишининг турли даврларига оид кўплаб геологик қолдиқлар юзага чиқиб, уни ноёб табиий ўқув қуроли ва геологик тадқиқотлар учун қулай жойга айлантирган.

Тадбирнинг очилиш маросимида сўзга чиққан Саноят ва қурилиш вазирлиги қўмита раиси Ерлан Акбаров Қозоғистонда палеонтология, минералогия ва кристаллография бўйича

ярақийёт банки ва бошқалар кирди. Ушбу қўмитанинг биринчи сессияси шу йил кузда ўтади. Станциянинг қуввати 1860 мегаватт бўлиб, йилига ўртача 5,6 миллиард киловатт/соат электр энергия ишлаб чиқарилади. Сув омбори эса 5,4 миллиард кубометр бўлиши кўзда тутилган. Лойиҳани 2025 йил охиригача якунлаш режаланган.

Эслатиб ўтамиз, 2023 йил бошида мазкур уч давлат энергетика вазирлари Қамбарота “ГЭС-1”ни қуриш ва фойдаланиш лойиҳасини амалга ошириш бўйича “йўл харитаси”ни имзолаган эди.

Тадбирда Қозоғистон геологлари тўлақонли миллий геология хизматини ташкил этишни устувор мақсадлар қаторига киришти зарурлиги тилга олинди. Бунда, албатта, хорижий давлатлар тажрибаси қўл келади. – Универсиадани ўтказишдан кўзланган мақсад геологларнинг янги авлодини тайёрлашдир. Бу Қозоғистон учун нефть даврининг тугаши шароитида сўзга чиққан Саноят ва қурилиш вазирлиги қўмита раиси Ерлан Акбаров Қозоғистонда палеонтология, минералогия ва кристаллография бўйича

24.kz.

▼ Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати хабар қилади:

## ҚОЗОҚ-КОРЕЯ ҚЎШМА ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТИ



Вилоятнинг сармоввий муҳитини яхшилаш мақсадида Жанубий Корея давлати билан музокаралар юритилиб, қатор лойиҳаларни амалга ошириш режаланмоқда.

Вилоят ҳокими Дархан Сатибалди Астана шаҳрида Корейнинг "Вусонг" таълим жамғармаси раиси Ким Джон Хён билан шахсан учрашиб, музокаралар олиб борди. Таълим йўналишида муносабатларни ривожлантириш мақсадида ташкил этилган учрашувда Тур-

кистон шаҳрида ахборот технологиялари соҳасида "Қозоғистон – Вусонг университети"ни ташкил этиш тўғрисидаги шартнома муҳокама қилинди.

Мақсад – юртимизда Давлат раҳбари Қ. Тўқаев таълим сифатини яхшилаш мақсадида жаҳондаги илғор олий таълим муассасаларининг филиалларини очиб бора-сидаги топширигининг ижросини таъминлаш. Бу, аввало, малака-юқори технологияларни ўзлаштиришга имкон беради. Янги илм

масканининг инновациялар ва илғор технологиялар марказига айланиши аниқ.

Янги ОТМ лойиҳаси Туркистон минтақасининг тараққиётида муҳим қадам бўлади.

Филиал Туркистон шаҳридаги ОТМлардан бирининг базасида жойлашади.

Олий ўқув юртини очиб тўғрисидаги шартномага 2024 йил февраль ойи бошида Вусонг университети делегациясининг Қозоғистонга сафари чоғида эришилди.



## ЧИГИРТКАГА ҚАРШИ КУРАШ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Қишлоқ хўжалиги вазири Айдарбек Сапаров хизмат сафари билан Туркистон вилоятига ташриф буюриб, чигирткага қарши кимёвий ишлов бериш ишлари билан танишди.

Аввал хабар қилганимиздек, 270 минг гектар майдонда олиб борилган дезинсекция тадбирларидан сўнг минтақада 60 минг гектардан зиёд майдонда янгидан тарқалган ҳудуд аниқланган эди.

Хозирги кунда Арис, Саригоч, Келес, Ўрдабоши

ва Чордара туманларида қўшимча дезинсекция тадбирлари олиб борилмоқда. 55 минг гектарда дориллаш ишлари якунланди. Мева-сабзавот етиштирилаётган майдонларда зараркундаларга қарши курашга 73та техника ва 4та самолёт сарфбар қилинган.

Қабул қилинган тадбирлар натижасида бугунги кунга қадар зарарланган экин майдонлари аниқланмади. Қишлоқ хўжалиги вазирининг топшириғига кўра, тадбирларни назорат қилиш учун унинг ўринбосари Ермек Кенжеханули ва давлат инспекцияси қўмитаси раиси Дархан Абдикаримов вилоятимизга хизмат сафари билан ташриф буюрган, ушбу тадбирлар вазириликнинг доимий назоратида.

»» ҚР маслаҳатларига – 30 йил

Бу сафар вилоят маслаҳати депутатлари А. Салимов, Ж. Агабеков, Н. Аширов, С. Эралиев ҳамда Б. Басимбекларнинг хайрли ишларига тўхталамиз.

## ДЕПУТАТЛАРНИНГ ХАЙРЛИ ИШЛАРИ



Депутат Алмас Салимов вилоят иқтисодиёти тараққиётига салмоқли ҳисса қўшаётган ташаббускор ташкилотчидир.

У Президент Мақтубларидан белгиланган вазифаларни аҳоли ўртасида тарғиб қилиш, давлат сиёсатини илғори суриш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашдан ташқари, минтақанинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига улкан ҳисса қўшмоқда.



билан таъминлаш устида бош қотирмоқда.

Нуржан Аширов Қазигурт туманида ўйингоҳ, йўл ва мактаб қурилишида фаол иштирок этмоқда. У ўз ҳисобидан уруш ва меҳнат фахрийлари, нафақадорлар, кам таъминланган оилалар, бева ва етим болаларга мунтазам равишда моддий ёрдам кўрсатиб келмоқда. Бундан ташқари, у ўз ҳисобидан Шарбулоқ қишлоғида масжид барпо этди.

Халқ депутати Бахит Басимбек кўплаб эзгу ишларнинг



Сариогоч туманидаги Жаннатурмиш қишлоғи кўчаларини таъмирлашда иштирок этди. У «Жиззах-Ғагарин-Жетисай-Сариогоч-Жибек жولى» Республика аҳамиятига молик автомагистрал бўйидаги аҳоли манзилларини ободонлаштиришда мутасадди ташкилотларга ёрдам кўрсатди. Соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида ёшлар ўртасида туман ва вилоят спорт мусобақаларига ҳомийлик қилади.

Депутат Жанабай Агабеков 2016 йилдан буён шимолга кўчиш тадбирларида иштирок этмоқда. Бугунги кунга қадар 3000га яқин оила Шимолий Қозоғистон вилоятига кўчирилди, халқ ноиблари уларни уй-жой ва иш

ташаббускори сифатида танилган. Хусусан, у сув тошқини содир бўлган минтақаларга инсонпарварлик ёрдамини кўрсатишга ҳисса қўшди. Кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиб келмоқда.

Сайдираулхон Эралиев Сайрам туманининг Қорабулоқ қишлоғида трансформатор ўрнатди, маданият уйи лойиҳасини ишлаб чиқишга ҳомийлик қилди. Шунингдек, халқ ноиблари кам таъминланган оилаларга мунтазам равишда ёрдам бериб туради.

Туркистон вилоят маслаҳати.

## ЭТНОМЕДИАЦИЯ РИВОЖЛАНАДИ



Туркистондаги "Буюк Дашт эли" марказида "Этнослараро муҳитда тўқнашув ҳолатларининг олдини олиш масалаларига бағишланган уч кунлик семинар-тренинг ўтмоқда.

Вилоят ижтимоий тараққиёт бошқармасининг "Жамоат тоғулиги" ДКК томонидан ташкил этилган семинар-тренингда туман, шаҳар прокурорлари, ҚР миллий хавфсизлик қўмитасининг Туркистон вилояти бўйича департаменти бўлимлари раҳбарлари, туман, шаҳар ҳокимлари, полиция бўлим-

ларининг раҳбарлари, вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси – гуруҳ раҳбари Ербўл Турсинбаев, шунингдек, туман, шаҳар прокурорлари иштирок этмоқда. Мазкур тадбирни вилоят ҳокимининг ўринбосари Бейсенбай Тажибаев олиб борди.

У ўз сўзида тараққий этган мамлакатларда медиация институтига алоҳида эътибор қаратилаётгани, бу борада минтақада этномедиация хизматини жадаллаштиришда тизимли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

Семинарда таъкидланганидек, бугунги кунда Туркистон вилояти ҚХА қошида ташкил этилган Медиация кенгаши таркибида 19 нафар аъзо бор ҳамда 56 нафар касбий ва ижтимоий медиатор фаолият юритмоқда. Утган йили минтақада этнос вакиллари иштирокида 192та ҳодиса юз берган бўлса, унинг 156таси медиация йўли билан ижобий ҳал этилган.

Жорий йил бошидан 41 ҳодиса рўйхатга олиниб, унинг 28таси медиация тартибида ижобий ҳал этилди.

Таълим муассасаларининг биринчи раҳбарлари лавозимига "Суҳбат" босқичи бевосита эфирда ўтди. Вилоят ҳокими Дархан Сатибалдининг таълим тизимида уюшган жиноятчилик хатарларининг олдини олишга қаратилган ташаббуси ўз самарасини бермоқда.

## БЕВОСИТА ЭФИРДАГИ СУҲБАТ



4 соат давом этган танловни кузатган ижтимоий тармоқ фойдаланувчилари ижобий фикр қолдириб, ҳамкасбларига муваффақият тилаган. Бирорта ҳам салбий фикр билдирилмади.

"Суҳбат" босқичида 26та таълим муассасасидан 29 нафар номзод иштирок этиб,

таълим соҳасига доир турли йўналишдаги саволларга жавоб берди. Танлов комиссияси ишининг очиклигини таъминлаш мақсадида бир назоратчи жараёни охиригача кузатиб борди.

Комиссия аъзолари овоз бериш орқали вилоят таълим бошқармаси раҳбари ўрин-

босари Жандўс Саттарулини танловнинг раиси этиб сайлади. Бу ҳам бевосита эфирда олиб борилди. Комиссия аъзолари уюшган жиноятчилик хатарларининг олдини олиш мақсадида танлов комиссиясининг таркибига мунтазам ўзгаришлар киритиб туради.

»» Хидоят сари

## Қурбон ҳайити – муборак байрам

Пайғамбаримиз (с.а.в.) Мадинага келганда аҳолининг иккита байрами бор эди. Икки олам сарвари пайғамбаримиз (с.а.в.): “Аллоҳ Таоло шу икки кунни сизларга муборак байрамга алмаштирди. Бири Рамазон ҳайити, иккинчиси Қурбон ҳайити”, деди. Шу кунни нишонлаш ҳадисда ҳам баён этилган. Байрам одамлар орасини яқинлаштириб, қариндошларининг, биродарлик ришталарини мустаҳкамлайдиган улуг байрам. Қурбон ҳайити мамлакат миқёсида нишонланади.

Қурбонда: кимда-ким Аллоҳнинг белгиларини улуғлаган бўлса, гумонсиз тақволикдир, деган. Бу байрам Яратганга яқинлаштирадиган ибодат ҳамдир. Қурбон ҳайити байрами қурбонлик чалиш билан бевосита боғлиқ. Қурбонлик келтириш Одам атодан бошланиб, Иброҳим пайғамбарнинг йўли сифатида шаклланди.

Қурбон каримда уларга Одам (а.с.) икки ўғлининг воқеасини ўқиб берди. “Шу вақтда икки ўғли Аллоҳга яқинлашиш учун қурбонлик чалган эди. Бири қабул қилиб, иккинчиси қабул қилинмаган эди. Қабул бўлмагани, албатта, мен сени ўлдирмаган, деди. Аллоҳ шаксиз тақволарнинг қурбонлигини қабул қилади, деди. Сен менга чин дилдан кўл чўзсанг, мен сени ўлдирмайман. Гумонсиз мен одамларнинг роббиси Аллоҳдан кўракаман”, деди. Қурбонликнинг қабул бўлиши учун тақволик зарурлигини кўрсатиб берди.

Динимиз тарихида Иброҳим билан унинг ўғли Исмоилнинг бу ибодатни бажаришдаги олинмаган саботи ҳам бошқача. Бу воқеани эшитганда ота билан бола ҳаракатларидан қувват оладиганлигимиз рост. Бу воқеада ота билан ўғли синовдан ўтади. Ёш Исмоил-

нинг роббисига ҳақиқий эътиқоди, сидқидилдан бўйсунуши барчага ибрат. “Отажон, ҳеч тортинмай ҳақ Таолонинг буйруғини бажаринг. Мен сабр қиламан, таваккал этинг”, дейишида ҳикмат мўл. Албатта, тақволик билан ихлос мужассамлиги. Синовдан суринмай ўтиш ҳикояси ҳақиқий илоҳий таълимдир. Шундай экан, қурбонлик келтиришдаги бизнинг ниятимиз билан мақсадимиз Аллоҳнинг розилигини олиш бўлмоғи керак.

Қурбон каримда: “Унутманглар! Қурбонликнинг гўшти ҳам, қони ҳам ҳеч қачон Аллоҳга етмайди. Унга етадиган нарса фақат қалбимиздаги тақволик”, дейилади. Аллоҳнинг элчиси (с.а.в.) Мадинага келгандан кейин ҳижрий икки йили юклатилди. Шу йиллари қурбонлик келтириш вожиб бўлди. Қурбон каримда “Узингизга ризқ қилиб берилган молларингдан маълум кунларда Аллоҳнинг номини айтиб, қурбонлик келтиринг. Роббингиз учун намоз ўқиб, яна қурбонлик келтиринг”, деб амр қилинган. Буйруқни самимий ихлос билан бажариш Аллоҳнинг розилигини олиш, охиратда юзи ёруғ бўлиш кўп савобга доҳилдир.

Яна бир ҳадисда саҳобалар Пайғамбаримиз(с.а.в.)га:

– Эй Аллоҳнинг элчиси, қурбонлик нима, – деб сўроқ қўйди.

– Қурбонлик Иброҳим (а.с.) бо-боларинг суннати, – деди.

Ундан бизга қандай савоб бор? Ҳар бир жуннинг қилича савоб олмасилар деган.

Қурбон деган сўз араб тилида яқинлашиш дегани билдиради. Вақтида (Аллоҳ розилигига) яқинлашиш нияти билан маълум молнинг турини бўғизлаш деган (уч кунда). Қурбонлик ҳайит намозидан сўнг уч кун давомида амалга оширилади. Қурбонлик келтиришнинг вақти ҳақида Пайғамбаримиз (с.а.в.): “Бизнинг шу кунда бажарадиган ишимиз намоз ўқиш, қурбонлик келтириш. Ким шундай қилса, суннатимизга эргашгани. Кимда-ким ундан аввал қурбонлик келтирадиган бўлса илгариги сўйилган гўшдан фарқи йўқ. Бу қурбонлик йўлига ўтмайди”.

Пайғамбаримиз (с.а.в.) қурбонлик чалишга шароити йўқ одамларнинг номидан ҳам мол сўйра эди. Унга дуч келган мол тўғри келмайди. Қурбонликка қўй, эчки, сигир, туя яроқли. Қўй билан эчки бир яшар бўлиши керак. Олти ойлик қўзи катта бўлса яроқли. Эчки бир яшар бўлиши керак. Сигир икки яшар, туя беш яшар бўлса,



қурбонликка ярайди. Қурбонликка чалинадиган мол хасталиқдан ҳоли, мучалари тўлиқ бўлиши керак. Қурбонликка келтирилган молнинг гўштини уч бўлакка бўлиб тарқатиш мустаҳаб. Бир қисми қариндош-уруғлар, қўни-қўшниларга, иккинчи қисми мискин, муҳтожларга, учинчиси ўз оиласига тегишли. Агар ният бўлса, қурбонлик мол гўштининг ҳаммасини камбағал мискинларга тарқатиш мумкин.

Аллоҳ Таоло Қурбон каримда қурбонлик гўшти тўғрисида шундай деган. “Қурбонлик гўштини ўзларинг еб, яна мискинларга тарқатинглар”, деган. Иброҳим (а.с.) бо-бозидан муқаддас анъана бўлиб келаётган қурбонликларимизни Аллоҳ Таоло ўз даргоҳида қабул қилгай. Қурбон ҳайит байрамимиз муборак бўлсин!

**Жумадулла АБЕНОВ,**  
Туркистон вилоятининг ибратли фуқароси.

»» Ёз – ўтмоқда соз!

## ТАЪТИЛ МАРОҚЛИ ЎТАДИ

Қарноқ қишлоғида «URKER» ёзги соғломлаштириш лагери фойдаланишга топширилди. Лойиҳа қиймати 400 млн. тенгени ташкил этадиган мажмуада 60га яқин одам иш билан таъминланади.



Болалар оромгоҳининг очирилиш маросимида иштирок этган Кентов шаҳри ҳокимининг ўринбосари Ғалимжан Тўлепов қарноқликларни табриқлаб, болаларга ёзги таътилни мароқли ўтказишларини тилади.



– Ёзги таътилда ушбу лагернинг ишга туширилиши биз учун ҳам, болаларимиз учун ҳам қувонарли ҳолат. Энди болаларимиз таътилда вақтларини ота-онасидан йироқлашмай, яқин атрофдаги табиати сўлим лагерда ўтказишади. Болалар учун бу ерда ҳордиқ чиқаришдан ташқари, соғлигини мустаҳкамлаш имконияти ҳам мавжуд. Шундай хайрли ишлар ташаббускори бўлган фуқароларга миннатдорчилик билдирамиз, – деди шаҳар ҳокимининг ўринбосари.

«URKER» ёзги соғломлаштириш лагерида 450 нафар бо-ла уч ой давомида мароқли ҳордиқ чиқаради.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

## ЖЕТИСАЙ ТАРВУЗЛАРИ – РОССИЯГА

Жетисай тумани Атамекен овулидаги “Павел” деҳқон хўжалиги тасаруфидида 9 гектар майдонда 20 йилдан буюн пилан маҳсулотлари етиштирмоқда. Жорий йилда тарвузнинг алоҳида парвариш талаб қиладиган “Виктория” навини апрель ойининг бошларида эккан.

– Дастлабки пилан тарвузларни Россияга жўнатишимиз. Кейинчалик талабга кўра, республикамизнинг бошқа минтақаларига жўнатишимиз. Жорий йилда етиштирилган маҳсулот таннархи ҳар йилдагидан ошиб кетди, лекин тарвузи 150-170 тенгедан сотмоқдамиз, бу сарфланган харажатларни тўлиқ қоплайди. Томчилатиб сугоришни татбиқ қилганимиз туфайли сув ва мине-



рал ўғитлардан муаммо бўлмади. Ҳосил ҳам кўнгилдагидек, – деди деҳқон хўжалиги раиси Асан Мубинов.

Таъкидлаш жоизки, “Павел” деҳқон хўжалигида тарвуздан ташқари бақлажон, булғор қалампир, помидор ҳам етиштирилади.

**Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.**

## БАЛИҚЧИЛИККА ЭЪТИБОР КУЧАЙМОҚДА

Тулқибош туманида балиқчилик билан шугулланувчи тадбиркорлар сони ортиб бормоқда.



Ақбийиқ қишлоғида жойлашган “Али студия” хусусий тадбиркорлик хўжалиги айнан ушбу соҳага қизиқиш билдириди. Хўжалик аъзолари иккита сунъий ҳовузда 5 мингга яқин гулмоҳи балиғини парваришмоқда.

Келгусида иккинчи ҳовузга зогора-балиқ солиш режалаштирилган. Хўжаликнинг умумий майдони бир гектар, ҳовузнинг ҳудуди ободонлаштирилиб, ташриф буюрувчиларга қулай шароитлар яратилмоқда.

Дастлабки маҳсулот куз ойларида сотила бошлайди. Тадбиркор, шунингдек, балиқ уруғини етиштириш технологиясини ўзлаштиришни ҳам режалаштирган.

«Жанубий Қозоғистон» мухбири.  
Тулқибош тумани.

»» Ёднома

## УМР ЎТМОҚДАДУР



Саврон тумани, Учқайиқ қишлоқ округи таркибидаги Така қишлоғида 102 йил умр кўрган УВУ фахрийси, кўлаб ҳарбий мукофотлар, хусусан, “Шухрат” ордени билан тақдирланган Ҳайдар ота ва

Сафура аянинг фарзанди – Дадахон Ҳайдар ўғли (1950 йили туғилган) оламдан ўтди. Узоқ йиллар жамоа хўжалигида механизатор, ҳайдовчи сифатида меҳнат қилди. Бошланғич синф муалли-

**Ш. МАДАЛИЕВ.**

## МҲРАГЕРЛИК АШЫЛДЫ

Қайтыс болу туралы анықтама негізінде марқұм Халқулов Юлдашбек Эргешовичтың (14.12.2023 жылы қайтыс болды, қайтыс болу туралы актілерді тіркеу кітабында 14.12.2023 жылы N20-987-23-0000433 санымен тіркелді) дүние-мүлкіне Сайрам ауданы, Қарабулақ ауылы, Т. Рустемов көшесі, 36-үй мекенжайы бойынша орналасқан нотариус Абдишүкүров Алишер Абдиманнатовичте мұрагерлік ашылды.

Қайтыс болу туралы анықтама негізінде марқұм Юлдашев Сардор Алимжановичтың (11.07.2020 жылы қайтыс болды, қайтыс болу туралы актілерді тіркеу кітабында 21.07.2020 жылы тіркелді) дүние-мүлкіне Сайрам ауданы, Қарабулақ ауылы, Т. Рустемов көшесі, 36-үй мекенжайы бойынша орналасқан нотариус Абдишүкүрова Сайяра Абдиманнатовнада мұрагерлік ашылды.

«Жанубий Қозоғистон» вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси тахририяти Туркистон шаҳри ва Саврон туманидаги фаол обуначиларимиз Баҳодир Ирисметов ҳамда Хуррият Абутолиповларга поччаси, Мирзахон Адамов ҳамда Қодир Аҳмедовларга қудаси, Абдулла Расуловага жияни – меҳнат фахрийси **Дадахон ҲАЙДАР ўғли**-нинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдириб, таъзия изҳор қилади.

«Жанубий Қозоғистон» вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси тахририяти узоқ йиллар маориф соҳасида фаолият юритган обуначимиз, Туркистон шаҳридаги Н. Түрекулов номли мактабга директорлик қилган фахрий устоз **Фозил Азизхон ўғли ИБРОҲИМОВ**-нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва ёру биродарларига ҳамдардлик билдириб, таъзия изҳор қилади.

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!

